ФОРОБИЙНИНГ ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Ж.Қ.Юсубов

Мақолада Абу Наср Форобийнинг мантиқ илми борасида амалга оширган ишларининг моҳияти ва аҳамияти ёритилган. Алломанинг салафлари қарашларини ривожлантириш йўлида олиб борган ишлари, хусусан, "ақл" тушунчаси ҳақидаги фикрлари ўрганилган ва фалсафий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *мантиқ, риторика, баркамоллик, комиллик, инкор этиш, силлогизм, калом, билим, сезги, заковат.*

В статье рассмотрены идеи Фараби о логике и изложены его философские, культурные, религиозные и этические взгляды. Также проанализированы логические работы Фараби, изучены мнения разных мыслителей относительно его трудов в данном направлении и концепция о «понятии».

Ключевы слова: *логика, риторика, гармоничность, совершенство, отрицание, силлогизм, калам, знание, чувство, проницательность.*

This article illustrates views of Farabi about logic and gives an account of philosophical cultural, religious and moral ideas of philosophies. It also analyzed logical works of Farabi, the opinions of different intellectuals, the works of Aristotle and considers the form of thinking "conception".

Key words: *logic, rhetoric, mature, perfection, negation, sillohysm, kalam, knowledge, senses, insight.*

Абу Наср Форобий қомусий олим сифатида турли фанлар соҳасида ижод қилган, дунёқараши кенг мутафаккир бўлган. У фалсафа, маданият, дин, ахлоқ каби масалалар қатори мантиқ илми соҳасида ҳам баракали ишларни амалга оширган.

Олим, аввало, мантиқ илмига оид асарларни ўрганиш ва шарҳлашга эътибор қаратган. Жумладан, Порфирийнинг "Исоғужи" асарини шарҳлаб, шундай фикрга келади: "Умумиятлар (универсалиялар) баъзилари учун баъзилари умумий ёки баъзилари учун баъзилари хусусий бўлиши мумкин. Агар биз энг хусусий нарсадан бошлаб, тартиб билан аста-секин умумийликка қараб (турлардан жинсларга қараб) кўтарилаверсак, энг умумий нарса ё ҳодисага етганимизда, ўртадаги тушунчалар "ораликдаги умумиятлар" бўлиб қолади. (Шулар қаторида) ҳар икки умумиятдан, масалан, дарахт ва хурмодан умумийроғи (дарахт) – жинс, хусусийроғи (хурмо) – тур бўлиб қолади [1.126.]. Чунки дарахт тушунчасига хурмо ҳам, бошқа дарахтлар ҳам киради, яъни хурмо

– дарахтлар жинсидандир. Янада кенгроқ – ўсимлик тушунчасига келсак, дарахт – ўсимлик жинсидан, хурмолар эса – дарахтлар жинсидан бўлади.

Мутафаккир мавжуд асарларни шарҳлаш билан чегараланмади, аксинча, ўзи мантиқ илми ҳақида мустақил асарлар ёздики, улар бу соҳадаги олимлар учун илмий манба бўлиб хизмат қилди. Шулардан бири Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Форобийнинг "Исоғуши ай ал-мадҳал" асарига шарҳини ўқиб, мантиқ илмининг нозик жиҳатларини яхши ўзлаштириб олди ва ўзи ҳам кейинчалик мантиқ илмига оид бир қанча мустақил асарлар ёзди.

Турк форобийшуносларидан, "Ихсо ал-улум" асарини арабчадан усмонли туркчага таржима қилган Аҳмад Оташ Форобийнинг мантиқ илмига доир мустақил асарларидан қуйидагиларни кўрсатади:

1) "Жавомеъ ул-кутуб-ал-Мантиқ" – мантиқ илмининг барча қисмларини ихтиво этган (қамраб олган) асар;

2) "Китоб ал-Мадҳал фи-л-Мантиқ" ("Мантиқ илмига муқаддима");

3) "Фусули йуҳтажу илайҳа фи-синоати-л-Мантиқ" ("Мантиқ фанида муҳтож бўлинадиган фасллар");

4) "Китоб қиёси сағир" ("Кичик қиёс (силлогизм) китоби") Ибн Можжа тарафидан шарҳ қилинган. Лотин ва яҳудий тилларига таржима қилинган;

5) "Китобан фи-с-Сафсата" ("Софистика ҳақида китоб");

6) "Китоб фи-л-Ҳитоба" ("Риторика ҳақида китоб").

Форобийнинг мантиқ илмига доир асарлари Ўзбекистонда ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Манбаларнинг далолат беришича, Шарқ Уйғониш даври алломаларидан бири Матто ибн Юнус ал Мутаржим (ваф. 940) христиан динида бўлса ҳам, мусулмон маданияти равнақига буюк ҳисса қўшган. Жамолиддин ибн ал-Кифтий "Ҳакимларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида олимларнинг хабарлари" ("Тарих-ал-ҳукамо") асарида ёзишича, "… Форобий Матто ибн Юнусга замондош (ва шогирд) эди. Абу Наср ёши (устозидан) кичик, илмда эса ундан устун эди" [2.199.].

Абу Наср Форобий Бағдод шаҳрига борган кезларда машҳур ҳаким Абу Бишр Матто Юнусдан мантиқ илми сирларини ўрганган. Чунки у Арастунинг мантиққа оид китобини ўқир ва шогирдларига шарҳлаб ёздирар эди. У ҳатто Арасту асарлари шарҳига оид 70 та китоб ёзган.

Жамолиддин ибн ал-Кифтий ҳам Форобийнинг Бағдодда яшаб, христиан файласуфи Юханно ибн Хийлондан фақат мантиқгина эмас, балки умуман ҳикмат (фалсафа) илмларини ўрганади ва ўша даврда тенги йўқ олим бўлиб етишди. Форобий мантиқнинг қийин жойларини ойдинлаштирди, кўпчиликка номаълум бўлган сирларини очди ва ундан фойдаланишни осонлаштирди. Ҳатто мантиқни шарҳлаш, ўрганиш ва таҳлил қилишда ал-Киндий ва бошқалар йўл қўйган хатоларни ҳам кўрсатиб ўтди [2.198.].

Ибн ал-Кифтий Форобий мероси ҳақида фикрини давом эттириб ёзадики, "Абу Наср мантиқни изоҳлашда ҳар бир сўзни (гапни, фикрни) ундаги (мантиқ илмидаги) бешта модда (яъни, беш қонуният, беш усул: риторика (хитоба), қиёс (силлогизм, асословчи қисм), бурҳон – исботлаш, ибора (талқин), жадал (диалектика, баҳс, мунозара), герменевтика илмлари асосида таҳлил қилади, улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради. Яна у шу ўринда Форобийнинг "Ихсо-ал-улум ва ат-таъриф" ("Илмларнинг ҳосиятлари ва уларнинг мақсадларини тушуниш") асарига юксак баҳо беради: "Бундай асар ёзишда, ҳатто бу хил фикр-мулоҳазаларни унгача ҳали ҳеч ким айтолмаган ва у киши етишган даражага етишолмаган".

Форобийнинг ёзишича, мантиқ чизғич кабидир; бу илм доираларнинг марказдан бир хил узоқликда эканини идрок қилишда ҳис-туйғунинг, ҳиссиётнинг янглишган, янглишмаганини назорат қилиш учун қўлланган паргор (циркуль) сингаридир. Яъни, ҳақни ва ёлғонни ажратиш, ҳақиқатни топиш мантиқ инсонга берган фойданинг энг каттасидир. Бу эса мақсаднинг катталигини билдиради. Қайси илм муҳимроқ ва фойдалироқ эканини мақсадидан англаб олиш мумкин. Биз ўз фикрларимизни исботлашимиз, тасдиқлашимиз учун, бошқалар ҳам ўз фикрлари ҳақлигини исботлаш учун мантиқ илмини билиш зарур.

Форобийнинг ёзишича, мантиқ илмига оид қонунлар бор бўлса, исталган фикрни, тушунчани тасдиқлаш ва тузатишни, тўғрилашни истаб, зеҳнларимизнинг хатосини тўғрилаб, тузатиладиган нарсани излашда сонсиз, ҳудудсиз нарсалар орасида сузиб юрган бир ҳолатда қолмаймиз; тасодифий бир жойдан хато қилиб, бизни фарқламайди деб ҳақиқат бўлмаган бир нарсани бизга ҳақиқат сифатида кўрсатиши мумкин бўлган одамларга алданмаслигимиз учун мантиқни билишимиз зарур.

Фалсафанинг асосий тушунчалари бўлган субстанция (жавҳар) ва акциденция (ораз) истилоҳларини Форобий жуда равшан тушунтиради. Фанларни тасниф қилар экан, у мантиқ илмини биринчи ўринга қўяди. Нарсаларнинг сифатларини, ўзига хослиги, ўхшашлиги ёки тафовутларини аниқлашда турли сезги аъзолари қатнашади. Бирор нарсанинг иссиқ ёки совуқлигини, юмшоқ ёки қаттиқлигини қувваи ломиса, яъни ушлаб кўриш билан, рангларни кўриш орқали, мусиқа ва товуш турларини эшитиш орқали билади. Лекин инсон сезги аъзоларисиз, ақлан, фикран аниқ билган нарса субстанция (жавҳар)дир. Масалан, мевали дарахт – жавҳар, лекин у олмами, ўрикми, эрта ё кеч пишарми, барглари қандай – бу сифатлар акциденция (ораз)дир.

Форобий билимларни таснифлашда Арасту асарларига ҳам эътибор қаратган. Арастунинг

“2-Аналитика” асарида билимларнинг даражалари ҳақида сўз боради. Хусусан, унда айтилишича, нарса-ҳодисанинг нима эканлигини билиш билан шу нарса-ҳодисанинг нима учун мавжудлигини билишнинг фарқи бор. Силлогизмнинг биринчи, ўрта ва кичик ҳадлари ўринлашувига қараб, нарса-ҳодисанинг нималигини ёки нима учун шундайлигини аниқлаш мумкин. Силлогизмда маълум тараф сабабни англатмаслиги мумкин. Бунга Арасту қуйидаги икки фикрни келтиради: юлдузларнинг жимирлаб тургани биздан узоқда, юлдузларнинг жимирламагани яқиндадир; бундан чиқадиган хулоса: “Бизга яқин юлдузлар жимирламайди”. Бу ерда жимирлаш юлдузнинг борлигини билдиради, аммо нима учун борлигини билдирмайди. Юлдуз жимирламагани сабабли бизга яқин эмас, балки яқинлиги сабабли жимирламайди. Ёки бошқа мисол. Ой шарсимонлиги сабабли тўлишиб боради. Аммо Ой тўлишгани учун шарсимон эмас. Яна бир мисол: “Девор нафас олмайди. Чунки у жонивор эмас”. Бу ерда деворнинг нималиги эмас, балки нима учун нафас олмаслиги айтилмоқда. Арасту фикрича, бундай фикрлар одатда бадиий асарда учрайди ёки муболаға қилиб айтилади. Яна бир мисол ҳавода ёмғир тинганида, найкамалак пайдо бўлиши ҳақида. Найкамалак нима эканлигини табиатшунос ўрганади. Унинг нима сабабли, нима учун пайдо бўлишини оптика олими ўрганади. Унинг гўзаллигини шоир ва рассом тасвирлайди.

Арасту “2-Аналитика” асарида ҳиссий идроксиз билим олиш мумкин эмаслигини ҳам айтади. Чунки янги нарсаларни билиш, янги хулосага келиш аввалдан маълум билимлар, яъни якка ҳодисаларни кузатишга асосланган ҳиссий билимлар ёрдамида амалга оширилади.

Арасту умумий исботлаш билан хусусий исботлашнинг фарқини, умумий исботлашнинг хусусийдан афзаллигини тушунтиради. Бир нарсанинг нима учун борлигини бошқа нарсанинг борлиги орқали ҳам, сабаб ва оқибат муносабатлари орқали ҳам исботлаш мумкин.

Мукаммал билим олишнинг яна бир қоидаси қуйидагича: бирор янги фикрни тасдиқловчи исбот уни инкор этувчи исботдан афзалроқдир. Тасдиқ ҳам, инкор ҳам силлогизм (асословчи фикр)нинг уч атамаси (уч ҳади) ва иккита муқаддимаси (аввалдан маълум қисми) орқали ҳосил қилинади. Тасдиқловчи исботда бир нарса-ҳодисанинг мавжудлиги қабул қилинади. Инкор қилувчи исботда эса бир нарса-ҳодиса мавжуд ёки мавжуд эмаслиги қабул қилинади.

Арасту ақл ёрдамида зарурий, синалган, мустаҳкам билим олинишини, нарса, ҳодисалар ҳақидаги фикр эса ўзгариб туришини ва баъзи фикрлар ҳақиқий билимга зид бўлиши мумкинлигини айтади. Ҳақиқий билим эса нарса, ҳодисаларнинг субстанциал (жавҳарий) хоссаларини билдиради. Фикрларнинг баъзилари тўғри, баъзилари хато бўлиши мумкин. Мантиқ илмининг қоидалари турли-туман фикрларнинг тўғрилиги ёки хатолигини исботлаб беради.

Мантиқ илмининг асосий қисмларидан бири – силлогизм илмида бирор нарса ёки ҳодисанинг нима учун мавжудлигини билдирувчи тарафи – ўрта ҳад дейилади. Силлогизмнинг катта ва кичик ҳадларида нарса ёки ҳодисанинг мавжудлиги исботланса, ўрта ҳадида ўша нарса ёки ҳодисанинг нима учун келиб чиққанлиги билдирилади.

Форобий 6 хил маънода қўлланиладиган “Ақл” тушунчаси маъноларининг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқади. Форобий фикрича, ақлли одам дейилганида иймонли одам маъносини тушунадилар. Иймон эса инсоний фазилатлардан иборат. Фазилатли инсонлар эса яхшиликни танловчи, ёмонликдан юз ўгирувчи бўладилар. Ақлини ёмонлик йўлида ишлатувчи кимсаларни халқ ақлли демайди, уларни маккор, айёр деб атайдилар. Яхшилик билан яшовчи, ёмонликдан узоқлашувчи одамлар чиндан ҳам оқил одамлардир. Шундай қилиб, яхши ишларда ақлли, фаросатли ва айни вақтда фазилатларга эга бўлган одамларни оқил деймиз. Ёмон ишларга қобилиятли, моҳир одамларни эса ақлсиз, жоҳил, иймонсиз дейдилар. Бундай баҳони Арасту ҳам, Форобий ҳам маъқуллайди. Халқ донишмандлиги шундай хулосага келган. Дин, шариат аҳкомлари ҳам шуни талаб қилади.

Хулоса шуки, Форобий мантиқ илмининг кўплаб соҳаларини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Шу жумладан, у билимлар тўрт даражада фарқланишига эътибор қаратади:

- биринчи турдаги билим сезги аъзолари билан олинади;

- иккинчи турдаги, ҳаммага маълум билимлар барча одамлар орасида ёки кўпчилик орасида, ёхуд энг доно олимлар орасида кенг тарқалган билимлардир;

- учинчи турдаги билимлар беш сезги аъзоси (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш, бадан билан, яъни тегиниб, ушлаб кўриш) орқали идрок этилувчи билимлардир;

- тўртинчи турдаги билимлар ақлий тушунчалар бўлиб, булар бизга аввалдан, туғилган вақтимиздан бошлаб маълум бўлган, табиатан шундай бўлиши кўзда тутилган бошланғич билимлардир.

Бу тўрт хил билимлар барчаси бошланғич, интуитив билимлар бўлиб, уларнинг турлича даражалари бор: заковат, фаросат, зеҳн, каромат, валийлик, ваҳий – юксак даражали интуитив билимлардир.

Шундай қилиб, Форобий Арасту, Ибн Сино ва бошқа олимларнинг мантиқ илми ҳақидаги қарашларини такомиллаштириб, ўз илмий-назарий хулосаларини беришга ҳаракат қилади.

Адабиётлар:

1. Аль-Фараби. Логические тарактати. – Алма-Ата: Наука. – 1972.- 240 с.
2. Ибн ал-Кифтий Форобий ҳақида. // Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Халқ мероси.– 1993.- 226 б.
3. M.Farabi. Ilmlerin sayimi (Jhso-ai-ulum). Sarqislamklasikleri. Geviren prof. Ahmet Ates.Milliegitimbasi-mevi. – Istanbul, 1986, 534 b.

Ўзбекистон миллий университети,
2015 йил 25 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Э.Абдусамедов)